

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚУМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ
БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

11 Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш, шунингдек харажатларни қоплаш бўйича суммаларни тўланишини ва юридик шахсларнинг давлат ижтимоий суғуртаси харажатлари бўйича тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 3 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2262-1

(2013 йил 13 январдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 338-модда), Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 52 (I)-сон)га мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қумитаси ва Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қумитаси ва Марказий банки Бошқарувининг 2011 йил 9 августдаги 47, 2011-25 ва 23/2-сон қарори (рўйхат рақами 2262, 2011 йил 9 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил 37-сон, 383-модда) билан тасдиқланган Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш, шунингдек харажатларни қоплаш бўйича суммаларни тўланишини ва юридик шахсларнинг давлат ижтимоий суғуртаси харажатлари бўйича тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2012 йил 29 ноябрь,
84-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2012 йил 29 ноябрь,
2012-35-сон

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2012 йил 29 ноябрь,
32/1-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва
Марказий банки Бошқарувининг 2012 йил
29 ноябрдаги 84, 2012-35, 32/1-сон қарорига
ИЛОВА

**Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш, шунингдек
харажатларни қоплаш бўйича суммаларни тўланишини ва
юридик шахсларнинг давлат ижтимоий суғуртаси харажатлари
бўйича тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги
низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 3-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. 6-банднинг «а» ва «б» кичик бандлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«а) Пенсия жамғармасига — 20205 баланс ҳисобварақларининг 881 ШХРга, кейинчалик тегишли ғазначилик ҳисобварағини кўрсатган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигининг Ягона ғазначилик рақамига (кейинги ўринларда ЯҒР) тўлиқ миқдорда ўтказилади;

б) Ўзбекистон Республикаси Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармасига — Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларининг 20205 баланс ҳисобварақларининг 779 ШХРга ўтказилади.

Ягона ижтимоий тўлов бўйича ажратмаларнинг бир қисми кўринишидаги тегишли 20205 баланс ҳисобварақларининг 779 ШХРга келиб тушган маблағлар, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари томонидан тўлов топшириқномаси асосида тегишли ғазначилик ҳисобварағини кўрсатган ҳолда ЯҒРга ўтказилади ҳамда қуйидаги тартибда фойдаланилади:

Ўзбекистон Республикаси Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармасининг тегишли бюджет ҳисобварағини кўрсатган ҳолда ЯФРга ўтказилган жами маблағларнинг 70 фоизи Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармалари тасарруфида қолади;

30 фоизи худудий меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаларининг тўлов ҳужжатлари орқали пул ўтказиш йўли билан республика даражасида марказлаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги келиб тушган маблағларни қонун ҳужжатларга мувофиқ белгиланган тартибда сарфлайди;».

3. 16-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«85 фоизи 20205 баланс ҳисобварақларининг 692 ШХРга, кейинчалик тегишли фазначилик ҳисобварағини кўрсатган ҳолда ЯФРга тўлиқ микдорда ўтказилиши билан ажратилади;».

4. 20-банднинг иккинчи хатбошисидаги «(рўйхат рақами 615, 1999 йил 30 январь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 1999 йил, 1-сон)» деган сўзлар «(рўйхат рақами 2342, 2012 йил 15 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 11-сон, 127-модда)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 21-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ғазна ижроси билан қамраб олинган бюджет ташкилотлари бўйича Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари давлат ижтимоий суғуртаси бўйича харажатларни тўлаш учун маблағларни тегишли фазначилик ҳисобварағини кўрсатган ҳолда ЯФРга ўтказилади.».

Бунда, бюджет ташкилотлари тегишли бюджет таснифи кодлари бўйича алоҳида талабнома тузади ва харажатлар амалга ошириладиган ушбу кодларнинг (депозит ва шахсий) ҳисобварақларини белгилаб кўрсатади.».

6. 22-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимлари юридик шахслардан буюртманомаларни олишлари билан маблағларни белгиланган тартибда хўжалик юритувчи субъектларнинг 888 ШХРга эга иккиламчи ҳисобварақларига ва бюджет ташкилотларининг талаб қилиб олингунгача асосий депозит ҳисобварақларига ўтказиладилар. Бунда бюджет ташкилотлари ғазна ижроси билан қамраб олинган бўлса, бюджет ташкилотига тегишли маблағлар тегишли фазначилик ҳисобварағини кўрсатган ҳолда ЯФРга ўтказиладилар.».

7. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳоли-

1 (553)-сон

— 101 —

11-12-моддалар

ни ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилган.

*Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири*

А. ХАИТОВ

2012 йил 29 ноябрь

*Ўзбекистон Касаба уюшмалари
Федерацияси Кенгаши*

Т. НАРБАЕВА

2012 йил 29 ноябрь